ДАВЛАТЧИЛИК ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ: КОРРЕЛЯЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ

Исмайилов Акмал Зиядиллаевич
Чирчиқ давлат педагогика институти Тарих ва тиллар факультети “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: akmal.ismayilov@bk.ru

Исмайилова Назокат Зиядуллаевна
Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 35-Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари маданий ҳодисалардир. Улар табиат томонидан инъом этилган эмас, балки инсонлар томонидан онгли ва махсус равишда ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлов бериб яратилган. Шундай экан, ушбу мақоламизда биз давлатчилик шаклланишининг қонуниятли жараёнларига алоҳида тўхталишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, давлат ҳуқуқий ҳаётда ҳам бошқариб турувчилик қонунини бажариши, унда жамият ҳуқуқий маданияти, жумладан қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳам ҳуқуқий онг сифатида эса унинг ваколатларининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилишига эътибор қаратилган. Умуман олганда, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси маданий борлиқ ҳисобланиши, унинг негизида жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунлари келиб чиқишини ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий борлиқ, фуқаролик, фуқаролик жамияти, қонун, цивилизация, социал ҳаёт, маданий борлиқ, моддий ҳаёт, маънавий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар, инсон эҳтиёжларининг турли туманлиги.

IMPLEMENTATION OF LEGAL CONSCIOUSNESS IN THE FORMATION OF STATEHOOD: CORRELIATION-FUNCTIONAL ANALYSIS

Ismayilov Akmal Ziyadillaevich
Chirchik State Pedagogical Institute Senior Teacher of the Department of Social Sciences, Faculty of History and Languages
E-mail: akmal.ismayilov@bk.ru

Ismayilova Nazokat Ziyadullaevna
Teacher of the 35th State Specialized Secondary School in Nishan district of Kashkadarya region

ABSTRACT

The rule of law and civil society structures are cultural phenomena. They are not endowed by nature, but created by human beings consciously and specifically designed to meet their social needs. Therefore, in this article, we have tried to focus

on the legitimate processes of state formation. Attention is also paid to the implementation of the law of governance in the legal life of the state, in which the legal culture of society, including laws and by-laws, as a legal consciousness serves as the legal basis of its powers. In general, the basis of the existence and development of society is a cultural being, on the basis of which an attempt has been made to shed light on the origin of the four correlation-functional laws of society.

Keywords: law, legal consciousness, rule of law, legal entity, citizenship, civil society, law, civilization, social life, cultural being, material life, spiritual life, social relations, various areas of human needs.

КИРИШ

Тарих, жумладан ҳуқуқни диалектик маданий тушунишга мувофиқ, кишилик жамияти табиатдан воқеаликка ишлов бериб ўзлаштириш орқали ажралиб чиққан. Демак, маданий борлиқ, яъни жамият, жумладан сиёсий-ҳуқуқий ҳаётлар мавжудлиги ва ривожланишининг ядроси ҳисобланади. Маданий борлиқнинг тарихий макон ва замондаги ўзига хос бир бутунликлари цивилизациялар, яъни ўз давлати ва фуқароларига эга бўлган мамлакатларни келтириб чиқарар экан. Маданий борлиқ тўртта таркибий қисмларнинг бирликларидан иборат бўлиб, улар қуйидагилар: 1) инсон ва унинг бирликлари; 2) моддий маданият; 3) сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар; 4) маънавий маданият ва унинг турлари. “Инсон эҳтиёжларининг турли туманлигидан, - дейди С.О.Абдухолиқов, - маданий борлиқнинг турли соҳалари келиб чиққан. Кишиларнинг социал бирликлари ва унинг томонлари – моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданият маданий борлиқнинг асосий соҳаларидир. Ушбу маданият турлари негизида ижтимоий ҳаётнинг-кишиларнинг социал бирликларининг моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт соҳалари келиб чиққан.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маданий борлиқ кишиларнинг социал бирликлари ва унинг томонлари-моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятларнинг коррелятив-функционал бир бутунлигидан иборат бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг асосини ташкил этади” [1]. Жамият мавжудлиги ва ривожланишининг марказий қисми бўлмиш маданий борлиқнинг бу тўртала қисмлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос ҳолда мавжуд бўлади. Бу тўртала қисмлар бир-бирларини тақозо этадилар ва бир-бирларига нисбатан муносабатларида **биринчи қисм** – инсон ва унинг бирликлари социал асос қонунини, **иккинчиси** – моддий маданият моддий асос қонуни, **учинчиси** – сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар бошқариб турувчилик ва

тартибга солиб турувчилик қонунларини қонунларини, **тўртинчиси** – маънавий маданият маънавий, жумладан гносеологик асос қонунларини бажарадилар. Давлатнинг ҳам ушбу тўртта корреляцион-функционал қонунлар тизимида ўз ўрни бор.

Энди масалани давлатчилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрайлик. Юқорида кўрдикки, давлат сиёсий-ҳуқуқий маданий ҳодиса. У сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётнинг энг йирик субстанционал элементи. “Шундай қилиб, - дейди ю.ф.д., проф. З.М.Исламов, - сиёсат назарияси маълум маънода давлатчилик сиёсатидир. Давлат – барча сиёсатнинг ядроси” [2]. “Сиёсат” сўзи арабчадан бошқариш деган маънони англатади. Сиёсий маданият эса кенг маънода, яъни жамият даражасида сиёсий ҳаёт борлиқнинг ишлов бериб яратилган қисми ҳисобланади. Жамиятнинг социал ва моддий, ёхуд сиёсий ва ҳуқуқий ҳаёт соҳалари бўлсин онгли, мақсадли равишда бошқариб турилишини, қатъийлик асосида тартибга солиб турилишини, кафолатланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам сиёсий норма ва муассасалар, жумладан давлат сиёсий маданий ҳодисалар сифатида барча ижтимоий муносабатлар тизимида бошқариб турувчилик қонунини бажарадилар. Бу ҳар дамда давлатга хос қонуниятли жараёндир. Аммо бунинг учун унинг, биринчи навбатда конкрет макросубъектлари – қабилалар иттифоқи (масалан, унинг ифодаси бўлмиш Қадимги Хоразм конфедерациясини олинг), халқ (масалан, унинг ифодаси бўлмиш Хоразм Халқ Республикасини олинг) ва миллат (масалан, унинг ифодаси бўлмиш Ўзбекистон Республикасини олинг) бўлиши керак. Шунинг учун ҳам инсон ва унинг бирликлари жамият ядроси – маданий борлиқ тизимида социал асос қонунини, жамиятнинг бир бўлаги – ҳуқуқий ҳаёт, яъни ҳуқуқий борлиқ соҳасида эса субъектнинг белгиловчилик роли қонунини бажаради. Аммо инсон ва унинг бирликлари тарихий конкретдир. Эътиборни қуйидаги фактларга қаратайлик: Қадимги Хоразм, Бақтрия ва Сўғд давлатларининг макросубъектлари туронликлар, яъни массагетлардир, жумладан ҳокимиятни ўз қўлига киритган муайян сулолалардир. “Марказий Осиёнинг кенг чўл ҳудудларида яшаган халқлар Юнон манбаларида Скифлар номи билан юритилган. Қадимги Скиф қабилаларининг Виега, Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларида яшаганликларини қайд этган олим А.Б.Дитмер “Скифиядан Элефантинггача” номли асарида: “Скифлар Ўрта Осиёдан тарқалган эди” дейди. Унинг ёзишича, скифларнинг тили Шарқий Эрон тиллари гуруҳига киради ва Сак-Массагет қабилалари билан уруғдошдирлар” [3]. Скифлар Массагет, Дах, Сак (шак), Дебрик каби номлар билан ҳам аталган. Масалан, Геродот Марказий Осиё ҳудуди халқларини массагетлар, деб атаган. Ёки Кушонлар давлатини олайлик: унда давлатчиликнинг бевосита

макросубъектлари юэчижилар деб аталган массагет қабилаларидир. Инсон биоижтимоий маданий ҳодиса бўлиб, унинг микробирликлари – оила ва меҳнат жамоалари бўлса, макробирликлари эса уруғ, қабила, элат ва миллатлардир. Демак, қадимги давр давлатчилигида қабилалар ва улардаги сулолалар социал асос қонунини бажарадилар. Қабилалар ўртасидаги муносабатлар эса ўзининг англаб олинишларини ва сўнгра келишувчиликни, шартномани, давлатчиликни тақозо этган. Демак, давлатчилик ғоя ва тартибот сифатида тақозоланган.

НАТИЖАЛАР

Жамиятнинг бир қисми унинг моддий ҳаётидир. Жамиятнинг моддий ҳаёти хўжалик ҳаёти ва экоҳаётлардан иборат. Хўжалик ҳаёти эса технологик ва иқтисодий ҳаётларга бўлинади. Технологик ҳаётнинг ядроси технологик маданият бўлиб, у меҳнат қуроллари, техник билим, ишлаб чиқариш жараёни каби томонлардан иборат. Иқтисодий ҳаётнинг асоси - жамият иқтисодий маданияти бўлиб, у мулк, айрбошлаш, тақсимот, истеъмол каби соф маданий муносабатлардан иборатдир. Инфляция иқтисодий ҳодиса, аммо иқтисодий ҳаёт асоси - жамият иқтисодий маданияти таркибига кирмайди. Демак, технологик маданият технологик ҳаётнинг, жамият иқтисодий маданияти иқтисодий ҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисмларидир. Экомаданият эса жамиятнинг табиатга муносабатларида экоҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисмидир. Технологик ва иқтисодий маданиятлар биргаликда хўжалик маданиятини ҳосил қилади. Хўжалик маданияти экоҳаёт ядроси – жамият экомаданияти билан биргаликда моддий маданиятни, яъни моддий ҳаётнинг ядросини ташкил қилади. Бу мақсадли, онгли ҳаракат жамият даражасидаги бошқарувни, жумладан, мулкка нисбатан кафолатларни тақозо этади. Демак, моддий маданиятнинг муайян ҳолати уни юзага келтирган субъектлар – мулкдорлар ёки ишчи кучларини ҳам, яъни ўзининг социал асосларини ҳам ва ўз ҳолатига мувофиқ келувчи давлатчиликни, режим ва қонунчиликни тақозо этади. Демак, моддий ҳаётнинг асоси – моддий маданият ҳам давлатчиликни ҳуқуқий онг шакли ва тартибот сифатида тақозо этади ва унинг ўзи давлатчиликнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Моддий, жумладан хўжалик маданияти эса ҳар бир мамлакат, цивилизацияда ўзига хос ҳолда бўлган. Жумладан, қадимги Хоразмда суғориш тизими ўзига хос ҳуқуқий онгни ва давлат бошқарувини тақозо этган, яъни жамоа бўлиб биргаликда келишилган ҳолда ҳаракатни талаб этган ва унга давлат бошқарувини келтириб чиқарган. Қадимги Грецияда эса хўжалик ҳаётида қул меҳнатидан фойдаланиш устуворлик қилган. Худди шу ўзига хосликлар ҳам қадимги давлатларнинг

ўзига хосликларига моддий асос бўлган. Бу ҳолатлар давлатчиликнинг турли вариант – ғояларини келтириб чиқарган ва улар воситасида амалга ошган.

Маънавий ҳаётни олайлик. Жамиятнинг маънавий ҳаёти ахлоқий, эстетик, диний, илмий, таълим-тарбия тизими ва оммавий ахборот воситалари тизимларига бўлинади. Уларнинг марказида инсон онги туради. Ҳар қандай маданий жараён, жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқариш ёки давлат бошқаруви инсон онги, жумладан ҳуқуқий онгига боғлиқ бўлиб, технологик, иқтисодий онглар ва сиёсий онг орқали юз беради. Демак, маънавий маданият жамиятнинг ядроси-маданий борлиқнинг бошқа соҳаларига нисбатан маънавий асос қонунини бажаради. Давлатчилик бу муносабатдир, ижтимоий муносабатлардаги тугундир. Бу тугун маданийдир, чунки у онгли, мақсадли боғланиш бўлиб, бошқа муносабатларнинг темпига кучли таъсир этади, кўпинча йўналишларини белгилайди. Лекин, у сиёсий ва ҳуқуқий онгсиз юз бермайди. Демак, маънавий маданият ўзаги – онг давлатчиликнинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилади ва айни вақтда маънавий ҳаёт асоси маънавий маданият тармоқлари ўзининг жамият даражасида бошқариб турилишини, ҳуқуқларининг кафолатланишини тақозо этади.

Қадимги давр цивилизациялари – қадимги Хоразм, Бақтрия ва Сўғд халқлари – сак қабилалари уларнинг, жумладан давлатчилигининг социал асоси бўлиб хизмат қилган. Чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик каби хўжалик маданияти бу цивилизациялар, жумладан давлатчилигининг моддий асоси, зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби – “Авесто” эса маънавий асоси ҳисобланган. “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [4].

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатлардаги тенглик, адолат ва эркинлик моментларининг кафолатланишларининг тақозо этилиши бўлиб, улар ҳокимият орқали юз беради. Бу жараён ҳам онгли характерга эга, ҳуқуқни асосан давлат ҳокимияти кафолатлайди. Демак, давлат ҳуқуқий ҳаётда ҳам бошқариб турувчилик қонунини бажаради. Жамият ҳуқуқий маданияти, жумладан қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳам ҳуқуқий онг сифатида эса унинг ваколатларининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади. “Авесто”да ҳам “халқ фаровонлиги ҳақида қайғурувчи Ахура Мазда қонунлари бўйича идора этувчи маърифатли, доно подшоҳнинг кучли ҳокимияти ғоялари тарғиб қилинади” [5].

Демак, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси маданий борлиқ ҳисобланиб, унинг негизида жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал

қонунлари келиб чиқади. Бунда сиёсий ҳаёт ядроси жамият сиёсий маданияти жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқариб турувчилик қонунини бажарар экан, давлатчилик ғоялари ва унинг амалга ошишида давлат ҳокимияти бу тартибда асосий ўрин эгаллайди. Жамият ҳаётида бошқариб турувчилик тақозоланган ҳолат. Ибтидоий даврдаги жамоа кенгаши, оқсоқоллар йиғинларини давлатчиликнинг куртаклари деб ҳисоблаш мумкин. Давлатчилик жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунларидан бири жамият сиёсий маданиятнинг бошқариб турувчилик қонуни таркибида ҳар бир цивилизацияда ўзига хос ҳолда амал қилган, жамиятда кучли ёки кучсиз ҳолатда бошқариб турувчилик қонунини бажарган. Бу қонуниятнинг гносеологик асосини эса давлатчилик ғоялари ташкил этади.

МУҲОКАМА

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ҳам маданий ҳодисалардир. Улар табиат томонидан инъом этилган эмас, балки инсонлар томонидан онгли ва махсус равишда ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлов бериб яратилгандир [6]. «Жамият» тушунчаси ижтимоий муносабатлар мажмуини ифодалайди. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси эса кенг маънода «жамият» тушунчасига қисман мос келади. Чунки фуқаролик жамияти давлат томонидан фуқаролари аниқланишидан бошланади. Ибтидоий жамоа тузими ҳам жамият, аммо фуқаролик жамияти эмас. Фуқаролик жамияти тор маънода жамиятнинг давлат аралашувидан холи соҳалари ва муносабатларидир. Ҳозирги кунда илмий адабиётларда фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатга нисбатан жамиятнинг мавжуд икки қутбий томонлари сифатида қаралади. Ҳар бир мустақил мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўзига хос мустақил цивилизация сифатида амал қилади. Чунки ҳар бир мустақил мамлакат – цивилизация, биринчидан, социал соҳанинг асосини ташкил этувчи конкрет инсон ва уларнинг бирликларидан, иккинчидан, жамият моддий ҳаётининг негизи – конкрет моддий маданиятидан, учинчидан, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётлари асослари – мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларидан ва тўртинчидан, маънавий ҳаёт ўзаги – мамлакат ва миллат маънавий маданияти ва унинг турларидан ташкил топган. Ҳуқуқий онг эса жамият маънавий маданияти ва унинг турлари – ахлоқий, эстетик, диний ва илмий маданиятлар, таълим-тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимларининг ўқ илдизи – ижтимоий онг шаклларидан биридир. Демак, ҳуқуқий онг онтологик ҳолати бўйича маънавий маданият тизимида жойлашган. Ҳуқуқий онгнинг акс эттириш объекти эса ҳуқуқий борлиқдир, яъни ижтимоий муносабатлардаги ўзининг кафолатланишларини тақозо қиладиган тенглик, адолат ва эркинлик

муносабатларидир. Демак, ижтимоий муносабатларда тенглик, адолат ва эркинлик муносабатларининг шундай ҳолати бўлади-ки, бунда уларни кафолатлашга эҳтиёж сезилади. Ижтимоий муносабатлардаги бундай ҳолатлар – тенглик, адолат ва эркинлик муносабатларининг ўз кафолатланишларини тақозо қиладиган боғланишлари ҳуқуқийликлар ҳисобланиб, ҳуқуқий онгнинг шаклланишига сабаб бўлади. Демак, ҳуқуқий борлиқнинг ҳуқуқ-тартибот муассасалари, юридик нормалар каби муайян қисмлари нисбатан соф ҳуқуқий кўринишга эга бўлиб, у асосан ижтимоий ҳаёт субъектлари, объектлари ва улар ўртасидаги боғланишлар билан бирга уларнинг моментлари сифатида намоён бўладилар. Одамнинг нафас олишини ундан ажратиб бўлмайди, аксинча у мавжуд бўла олмайди. Инсон айни вақтда функционал ҳолатига кўра ишчи ё мулкдорга, ёки муаллим, ёхуд боқимадан, ёинки оила бошлиғига айланади. Инсоннинг бу ва бошқа шу каби ҳолатлари, давлат вакили ёки фуқаролик жамияти институтлари аъзоси сифатидаги ўзига хос ҳуқуқийликларни тақозо қилади ва унинг турли хил ҳуқуқларини келтириб чиқаради.

Юқорида ижтимоий ҳаётнинг соҳаларининг негизларини ўзига хос маданиятлар, яъни маданий борлиқнинг турлари ташкил этганлигини кўрдик. Ўзбекистонда шаклланаётган тарихни диалектик маданий тушунишга мувофиқ, уларнинг боғланишларидан жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунлари келиб чиқади. Корреляция функционал ҳолатларига кўра бир-бирларини тақозо қилишлари, функция эса асосий вазифа ва функционаллик амал қилиш ҳолати демакдир. Бунда жамиятнинг социал соҳасининг асосий қисми – инсон ва унинг борлиқлари онтофункционал ҳолатига кўра ижтимоий ҳаётнинг маданий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий ҳаётлари соҳаларига нисбатан социал асос қонунини, яъни субъектнинг белгиловчилик роли қонунини бажаради. Бунда жамиятнинг моддий ҳаётининг ядроси – моддий маданият онтофункционал ҳолатига кўра ижтимоий ҳаётнинг социал, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий ҳаётларига нисбатан моддий асос, замин қонуни бажаради. Бунда сиёсий ҳаётнинг ядроси – сиёсий маданият, жумладан ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий ҳаётнинг ядроси – ҳуқуқий маданиятлар онтофункционал ҳолатларига кўра ижтимоий ҳаётнинг социал, моддий ва маънавий соҳаларига нисбатан бошқариб турувчилик ва тартибга солиб турувчилик қонунларини бажарадилар. Бунда жамият маънавий ҳаётининг ядроси – маънавий маданият ва унинг турлари ижтимоий ҳаётнинг социал, моддий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётлари соҳаларига нисбатан маънавий, жумладан гносеологик асос қонунини бажаради. Уларнинг корреляцион-функционал боғланишлари бўлмаса маданий борлиқнинг корреляцион бутунлиги таркиб топмайди ва натижада жамиятнинг ҳам яхлитлиги келиб чиқмайди. **Демак, ҳуқуқий онг маънавий ҳаёт тизимида**

жойлашган бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларига нисбатан ҳуқуқий-ғоявий гносеологик асос вазифасини биринчидан, сиёсий ҳаётнинг асосий субстанционал элементи – сиёсий ижодкорлик натижаси – давлат ҳокимияти кучи билан ва иккинчидан, ҳуқуқий ҳаётнинг субстанционал элементларидан – ҳуқуқий норма ва муассасалар орқали ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида барча субъектлар фаолиятлари орқали бажаради.

ХУЛОСА

Ҳар бир инсон, субъект айни вақтда бир бутун ҳуқуқий мавжудликдир ҳам. Шундай экан, ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси инсон фаолиятисиз юз бермайди. Инсон ўзининг онтоҳолатига кўра жамиятнинг социал ҳаёти соҳасида жойлашган. Аммо социал соҳада ҳам бу соҳанинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда инсонларнинг оилавий, маиший-маданий, жумладан уй-жой хўжаликларига хос фаолиятлари ҳам келиб чиқади [7]. Жамиятнинг моддий ҳаёти соҳаси ва унинг асоси – моддий маданият хўжалик ва экологик фаолиятларсиз мавжуд бўла олмайди. Жамиятнинг сиёсий ҳаётининг асоси – сиёсий маданият, жумладан ҳуқуқий давлат сиёсий фаолиятсиз, ҳуқуқий ҳаётининг асоси – ҳуқуқий маданият ҳуқуқий фаолиятсиз, маънавий ҳаётининг асоси – маънавий маданият ҳам маънавий фаолиятсиз мавжуд бўла олмайди. Демак, инсон фаолияти яратувчилик ва яратувчилик фаолияти натижаларини ўзлаштирувчилик фаолиятлари босқичларидан иборат. Мисол сифатида, у моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳаларида моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва уларнинг натижаларини ўзлаштириш, истеъмол қилиш фаолиятлари кўринишларида юз беради. Барча, жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзи ҳам ҳуқуқийликни, юридик тартибга солинишини тақозо қилади ва у хўжаликка оид ва бошқа шу каби юридик нормалар билан кафолатланади ва тартибга солиб турилади. Юридик нормалар депутатнинг қонун ижодкорлиги натижаси, депутатларнинг ҳамма учун қонун кучига киритилган расмий онгидир. Демак, ҳуқуқий онг нафақат жамиятнинг корреляцион-функционал қонунлари тизимида гносеологик асос вазифасини, балки шу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тартибга солиб турувчилик функцияларини бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Рустамбоев М.Ҳ., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 11-14 – бетлар.

2. Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. 9-бет.
3. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. К.1. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 35-37-бетлар. Қаранг: Ўша жойда. Дитмер А.Б. От Скифии до Элефантины. М., 1961. С.22.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 1-том 29 бет.
5. Taukebayeva, E. S., Zhumabekov, M. U., Saparov, B. B., & Khaytmetov, R. K. (2020). Understanding State Failures in the Central Asian Region. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 180-188.
6. Исмайилов А.З. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тарихий назарияларда маданий омилларнинг устуворлиги масалалари. “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали 2019 йил №1. 79-81 бетлар.
7. Исмайилов, А.З. (2020). Демократик фуқаролик жамияти ва унда ҳуқуқий онгни билишнинг ижтимоий-фалсафий диалектик асослари. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 202-210.
8. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых, 6*(75), 64-65.

REFERENCES

1. Рустамбоев М.Ҳ., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 11-14 – бетлар.
2. Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. 9-бет.
3. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. К.1. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 35-37-бетлар. Қаранг: Ўша жойда. Дитмер А.Б. От Скифии до Элефантины. М., 1961. С.22.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 1-том 29 бет.
5. Taukebayeva, E. S., Zhumabekov, M. U., Saparov, B. B., & Khaytmetov, R. K. (2020). Understanding State Failures in the Central Asian Region. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 180-188.
6. Исмайилов А.З. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тарихий назарияларда маданий омилларнинг устуворлиги масалалари. “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали 2019 йил №1. 79-81 бетлар.
7. Исмайилов, А.З. (2020). Демократик фуқаролик жамияти ва унда ҳуқуқий онгни билишнинг ижтимоий-фалсафий диалектик асослари. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 202-210.
8. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых, 6*(75), 64-65.